

Рўзанинг фойдалари



14:50 / 28.05.2017 7435

Рўзанинг фойдалари

Рўзанинг жуда кўп ва турли-туман фойдалари бор. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бизни ана шу фойдаларга тарғиб қилганлар. Биз бу ерда улардан баъзиларини айтиб ўтамиз.

Биринчи: Рўза инсон танаси учун саломатлик бўлиб, уни турли касалликлардан асрайди. Чунки танадаги кўп касалликлар асосан меъда ва ичакларда тўпланиб қолган чиқиндилардан ҳамда ортиқча семириб кетишдан бўлади.

أورفأسو ، أوحصت أومؤصو ، أومنعت أونغ" :مّلسو هيلع ءلل ائلص ءلل اوسرراق
"أونغتست "

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ғазот қилинглари, ўлжа олурсиз. Рўза тутинглари, соғлом бўлурсиз. Сафар қилинглари, бой бўлурсиз**», деганлар.

Табароний ривоят қилган.

Иккинчи: Зеҳннинг саломатлиги, фикрнинг тўғри бўлиши, ҳофиза қувватининг фаоллашуви ва унутувчанликни камайтириш. Кўп ейиш миёда намлик ва ботни кўпайтиради ва бу хотира қувватига оғир келади.

Учинчи: Тана аъзолари ҳаракатининг тоат-ибодатлар учун енгил бўлиши. Ҳаддан ташқари тўйиб овқатланиш танани бўшаштиради, ибодат қилишга оғирлаштириб қўяди. Мана шу икки фойдага ишора қилиб, сарвари олам соллаллоҳу алаҳи васаллам: «**Рўза тутинг, соғлом бўлурсиз**», дейдилар.

Тўртинчи: Рўза туфайли шайтоннинг малайлари мағлуб бўлади, Раҳмоннинг лашкарига нусрат ато этилиб, ғолиб бўлади. Рўзада нафсни тийиш аъзоларнинг бемалол бўлишидан, шаҳватларга муккасидан кетишидан сақланишдир. Озуқанинг кўпайиб кетиши нафсни ёмон шаҳватларга ундайди. Агар унга очлик етса хор бўлиб, бўйсунди, тубан фикру хаёллар билан машғул бўлмайди. Натижада аъзолар номаъқул хатти-ҳаракатлар қилмайди.

Шунинг учун инсон қачонки хатолардан тийилса, йилнинг барча ойлари унинг учун рўза ойидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Рўза - қалқондир**», деганлар. Дарҳақиқат, рўза маъсият ва гуноҳлардан асрайди, жаҳаннам оловидан тўсиқдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Рўза шундай қалқонки, банда у билан ўзини дўзахдан тўсади**», деганлар

Имом Аҳмад ҳасан санад билан ривоят қилган.

Бошқа ривоятларида: «**Рўза дўзахдан тўсувчи қалқон ва мустаҳкам қўрғондир**», дейилган.

Бешинчи: Рўза туфайли дуолар қабул ва ижобат бўлади.

: ؤوعء ءهل ءرى ال نأ هلل ال علق ءالء: "لاق ءلسو وهل عهلل ال صبل بنل نع اور". عجرل علس رفاسءل او، رصءنل علس ءولظءل او، رطفل علس ءءاصلل ال ءءمرءل

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уч киши борки, уларнинг дуосини рад қилмаслик Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақдир: оғзини очгунча рўзадорнинг, нусрат топгунча мазлумнинг ва қайтгунча мусофирнинг**», дедилар.

Термизий ривоят қилган.